



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 15 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (13.874)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЖОЗИБАДОР ДИЁРГА АЙЛАНМОҚДА

Мазкур фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Ўткир ХОЛБАДАЛОВ УЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон туристлар учун жозибадор масканлардан бирига айланди. Шунинг эътиборига олган ҳолда туризм ривожланишининг замонавий босқичи ўшбу соҳага комплекс ёндашуви, истиқболдаги стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш заруратини вуқудга келтирмоқда. Сайёҳлар сонининг кескин ошиши туризм инфратузилма объектларини ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Президентимизнинг жорий йил бошидаги фармони мамлакатимизда туризм соҳасининг истиқболли мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжат билан туризм соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий талабларни такомиллаштириб бориш, юртимизнинг туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорда тарғиб қилиш ҳамда соҳада кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Бу каби стратегик вазифалар босқичма-босқич, ҳар йиллик чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширилади. Ўз навбатида, ташқи ва ички туризмнинг ривожланиши, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони ортиб бориши тўғрисида туризмнинг ҳар йилги кўрсаткичи бўлган эътибор ортимоқда. Қўмита ҳузуридаги "Туризм ўқув-консалтинг маркази" давлат унитар корхонаси 2018 йилда 291 ёш мутахассис учун гидлик фаолияти бўйича ўқув курси ташкил этди. Бугунги кунда 650 дан зиёд гайд тегишли сертификат билан фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда гидларни тайёрлаш бўйича Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларида миллий мактаблар фаолият олиб бормоқда. Гидлар ҳар йили малака ошириш курсларида ўқийди ва ҳар ўн йилда аттестациядан ўтказилади. Тайёрлов курсларидаги олий маълумотли номзодлар қабул қилинади. Курслар дастури халқаро талабларга асосан ишлаб чиқилган. Франция элчихонаси билан ҳамкорликда гидлар учун ҳар йили тил билиш маҳоратини ошириш бўйича курслар ташкил этилади.

Бироқ бугунги кунда турмаршрут нарҳини пасайтириш мақсадида айрим туристик компаниялар сертификатсиз, ноқонуний фаолият кўрсатаядиган "гидлар" хизматидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз фойдаланмоқда. Бундай ҳолат экскурсия сифатида салбий таъсир

кўрсатади. Бундан ташқари, хозирги кунда гидлар фаолиятини тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ қўмитамиз гидлар фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Унга қўра, гид, йўриқчи-қузатувчининг ҳуқуқий мақомини, уларнинг фаолиятини касб сифатида тан олиш ва меҳнат стажига ҳисоблаш тартиби белгиланади. "Туризм ўқув-консалтинг маркази" ДУК томонидан гидлар, экскурсовод-қузатувчилар ва туризм соҳаси субъектлари ишчиларига малака сертификатларини бериш учун онлайн тест ўтказиш ташкил қилинади. Бундан ташқари, 2019 йил январь ойида гидлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон гидлар уюشمаси ташкил этилди. 21-22 февраль кунлари эса Гидлар форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Навбатдаги яна бир муҳим масала меҳмонхоналар билан боғлиқ. Бугун жойларда оилавий меҳмон уйлари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан оилавий меҳмон уйлари ташкил қилишнинг соддалаштирилган тартиби қабул қилинди. Шунингдек, меҳмон уйлари ташкил қилиш бўйича олинмадиган сертификат бекор қилиниб, оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш талаблари энг кам миқдорга келтирилди.

Бунинг натижасида ўтган йилнинг август ойидан бугунги кунга қадар мамлакатимизда 107 оилавий меҳмон уйи ташкил этилди. Агар ҳудудлар бўйича тўхталадиган бўлсак, энг кўп оилавий меҳмон уйлари Самарқанд (23), Тошкент ва Қашқадар (22), Бухоро вилоятларида (10), Тошкент шаҳрида (7) ташкил қилинди. Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида ҳам оилавий меҳмон уйлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. 2018 йилда бу хизматдан сайёҳларнинг фойдаланиши ҳақидаги кўрсаткичларга ҳам эътибор қаратамиз. Жумладан, Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм ҳамда Тошкент вилоятларидаги 44 оилавий меҳмон уйи хизматидан йил давомида 1 минг 557 хорижий ва маҳаллий сайёҳ фойдаланган.

Умуман, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ечиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни ошириш, таълим муассасаларини илмий ва инновацион ривожлантиришда ёшлар иштирокчини кенгайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбир кенгайтирилган видеоселектор тартибиде ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим муассасаларида илмий салоҳият даражаси ва сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш каби қатор йўналишларда кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, жуда катта маблағлар йўналтирилди.

Бугунги кунда республикамизда 91 та олий таълим муассасаси, шунингдек, 11 та хорижий мамлакатлар нуфузли олий ўқув юрлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда жами 337 мингдан ортиқ талаба ва магистрлар таълим олмақда. Бироқ, олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисларга бўлган эътибор, илмий салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамиздаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларидаги 27 минг 288 нафар профессор-ўқитувчилардан фан доктори илмий даражасига эга олимларнинг умумий сони 2 минг 643 тани, фан номзоди илмий даража-

сига эга олимларнинг умумий сони эса 8 минг 280 тани ташкил этади.

2015-2017 йилларда олий таълимдан кейинги таълим тизимига 737 нафар номзод қабул қилинган бўлиб, шундан, ўз вақтида диссертация ҳимоя қилганлар 16,8 фоиз, кеч қолиб ҳимоя қилганлар 32,2 фоизни ташкил этиб, қолган 50,9 фоизни ҳимоя қилмаган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида инновацион жамғармаларни ташкил этиш, маблағларни ўз вақтида самарали ўзлаштириш, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш йўналишларида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар, соҳа вакиллари олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги авлод адабиётлари билан таъминлаш, жаҳондаги етакчи ва нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Нурилло НАСРИЕВ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида газал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунига бағишлаб концерт дастури бўлиб ўтди.

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон давлат филармонияси бадийи жамоаларининг устоз санъаткорлари ҳамда ёш ижрочилари иштирокидаги мусликий дастур ҳамюртларимиз эътиборига ҳавола этилди.

Мумтоз мусиқа санъатимиз ривожига Навоий ва Бобур ижодий мероси ўзига ҳос ўрин тутади. Уларнинг бетақор газаллари билан қўйланувчи мусликий асарлар санъат муҳлисларининг кўнгил мулкига айланган. Айни пайтда мазкур мусликий асарлар мукамаллиги, бетақорлиги, теран ва юксак бадийи-фалсафий руҳи билан ҳам қадрлидир.

Мусиқашуносларнинг фикрича, буюк аждодларимиз сўзларига басталанган бадийи баркамол қўшиқлар тингловчиларнинг эстетик дидини юксалтириш, мусликий савиясини ошириш, она тилимизга янада кўпроқ ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишда ўзига ҳос ўрин тутади. Навоий ва Бобур ижодидеги муштараклик мусиқа, тарих, тасвирий санъат, меймончилик равнақиға оид асарларида, ўшбу соҳалар ривожига йўлидаги эзгу саноат-ҳаракатларида ҳамда санъат ва ҳунар аҳлига мутасил ҳомилийги ва ғамхўрлигида ҳам яққол намоён бўлади. Ҳар икки ижодкор газал ва рубоийларининг ажиб муслиқийлиги аждодларининг ноёб заковидан дарак беради.

Назм ва наво кечасида бадийи жамоалар ва хонандалар иштирокида чин инсоний фазилатлар, эзуғлик, одамийлик, меҳр ва садоқатни тараннум этувчи қўшиқлар, жозибали рақслар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида йиллик махсулот айланмаси 1 миллиард сўмдан кам бўлган 3 та корхона ихтиёрий равишда умумбелгиланган солиқ тўловига ўтиш бўйича ариза топширди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, туманда 96 та корхона умумбелгиланган солиққа ўтиши режалаштирилган бўлса, олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида бундай корхоналар сони қарийб 130 тага етди.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ЯНГИЧА ТИЗИМ ВА ЁНДАШУВ

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки нафақат миқозларга намунали хизмат кўрсатиш, балки жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис банк тузилмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда банкнинг марказий идорасида Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси, банк филиалларида эса махсулот ходимлар фаолият юритмоқда. Улар томонидан ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк орқали ҳамда тўғридан-тўғри жисмоний ва юридик шахслардан жами 1745 та мурожаат келиб тушган. Келиб тушган мурожаатлар эса банкнинг тегишли тарихий тузилмалари ва филиалларининг махсулот ходимлари томонидан белгиланган муддатларда қўриб чиқилган.

Миллий матбуот марказида мазкур банк томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақида маълумот берилди.

Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янгича тизимига асос солинган, бу тизим "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиш керак" деган ғояга таъниб иш қўраётгани ва унинг самаралари сарҳисоби қайд этилди.

– Аҳоли ва миқозларнинг ҳар бир мурожаати банк раҳбариятининг қатъий назоратига олинган, – деди "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Юридик департаменти бошлиғи Эркин Отабоев. – Мурожаатлар асосли таҳлил қилиниб, уларда кўтарилган масалаларнинг ечимини топиш борасида зарур чора-тадбирлар қўрилоқда. Банкда "Ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилган. Банк бошқаруви ва филиаллар раҳбарлари-

нинг фуқаролар учун шахсий қабуллари, шу жумладан, сайёр қабулларни ташкил қилинмоқда. Таҳлилларга қўра, 217 та мурожаат иқобий хал қилинган. 1389 мурожаатга тегишли тушунтириш берилган, 27 мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли идора ва ташкилотларга юборилган. Шундан яна 21 мурожаат маълумот учун қабул қилинган бўлса, 15 мурожаат рад этилган.

Ўқунда банк тизимида бу борада қўзғатилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш, фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ёзма, оғзаки ва электрон мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларини хал этиш сифатини ошириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА муҳбири

ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИ: МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон илк бор беш ва ўн йиллик давлат халқаро облигацияларини Лондон фонд биржасига муваффақиятли жойлаштирди. Ҳар икки муддатта ҳам 500 миллиондан, жами 1 миллиард долларлик евробондлар йўналтирилди.

Юртимиз учун ўшбу воқеа аҳамияти низоҳатда катта. Сабаби Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар қўшимча молиявий таъминот хориж инвестицияларини фаол жалб этишни талаб қилапти. Қўллаб-қувватлаш томонидан бу борада синовдан ўтказилган йўл халқаро облигациялар, бошқача айтганда, евробондлар чиқаришдир. Давлат ёки йирик компания уни чиқара туриб, муайян муддатта тегишлича қарз маблағларига эга бўлади. Бундай қимматбаҳо қўғозларни харид қилган сармоядорлар қўйилган фойз ставкаларига қараб ҳар йиллик даромаднинг, белгиланган муддат якунига етгач, қарзнинг асосий суммасини қайтариб олади.

Халқаро экспертлар облигацияларнинг халқаро бозорига кириб келишда муваффақият қозониш ёки омадсизликка учраш бир қатор омилларга боғлиқ деб ҳисоблашади. Жумладан, чет эллик инвесторларнинг у ёки бу мамлакатта нисбатан муносабати ҳам евробондлар тақдирини хал этиши мумкин.

Қувонарлиси, Ўзбекистоннинг халқаро капитал бозори сари ташланган илк қадами муваффақиятли кечди. Зеро, Молия вазирлиги томонидан бу борада олдиндан улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, вазирлик мутахассислари шу соҳада кўриб чиқаришга эга бўлган "JP Morgan Chase", "Citibank" ва "Газпромбанк" давлат халқаро облигацияларини жойлаштиришда ташкилотчилик қилди. Муҳим ҳодиса арафасида Ўзбекистон делегацияси АКШнинг Нью-Йорк ҳамда Бостон шаҳарларида, Лондоннинг ўзида ҳам инвесторлар билан учрашувлар ўтказди. Шу аснода республикамиз иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги, банк тизими, олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, солиқ соҳасидаги янгиликлар ҳамда бошқалар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

ЖАҲОНДА

● Россиянинг Архангельск области ҳокимияти Новая Земля архипелагидеги қишлоқ-

ларга оқ айиқлар ҳужум қилиши хавфи остида фавуқолда ҳолат жорий этди. Ҳокимият вакиллари архипелагга оқ айиқларнинг одамларга ҳужумлари олдини олиш мақсадида оператив гуруҳ жўнатган.

● Американин Миннесота штатида жойлашган Jetsetter компанияси бизнес класс самолётидан лимузин яратди. Унинг узунлиги 12,8 метр, эни 2,4 метр ва баландлиги 3,5 метрни ташкил қилади. Қанотлари олиб ташланган ўрнига эса автомобиль двигатели ва юрши қисми ҳамда 28 дюмли гилдирақлар ўрнатилган.

● iPhone смартфонлари учун кенг тарқалган дастурлар смартфон экранига юз бераётган ҳодисаларни кузатиб, ўзи учун керакли маълумотларни сақлаб қолиши аниқланди. Таъкидланганича, бундай хатти-ҳаракатлар Glassbox технологиясидан фойдаланувчи, меҳмонхоналар ва авиаципталарни бронлаш дастурлари ишида аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фракцияларининг навбатдаги ййгилишлари ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ййгилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди.

2018 йилда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва Омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 10 минг 832 та мурожаат келиб тушган. Вакил томонидан 2018 йил давомида фуқароларнинг таълим олишга доир ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бир қанча мурожаатлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун муҳокама этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги бўйича 5 та қонун мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар туғдиради. Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамоиллари ва қоидаларининг кўпчилиги қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан тартибга солинади.

Сайлов кодекси ушбу 5 та амалдаги қонунларни бирлаштиришни назарда тутиб ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ййлида амалга

оширишга оид Давлат дастурига мурофиқ ишлаб чиқилган.

Кодекс лойиҳаси 18 боб, 101 моддадан иборат бўлиб, унга кўра Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чикариб ташланмоқда. Бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150

сифатида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш, мудардан олдин овоз бериш, сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишлари ва бошқа сайловга оид нормалар киритилмоқда.

Лойиҳадан демократия тамойилларида келиб чиқиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят-

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

ўрин) сақлаб қолинади, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг ййгилишида айтиб ўтилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жорий ййлиннинг декабрь ойида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Кодекс лойиҳасига устувор вазибалар

ларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чикариб ташланмоқда.

Шунингдек, ййгилишида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида Омбудсман томонидан фуқаролар мурожаатлари асосида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари раҳбарларига тақдимномалар ва даъволар киритилган. Парламент палаталари ва халқро жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда назорат-таҳлил тадбирлари доирасида 70 дан ортқ муассасада мониторинг ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш борасида Омбудсман томонидан 18 та жазони ижро этиш муассасасида ҳамда айрим ҳудудларда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан мониторинг ўтказилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида партия томонидан тақдим қилинган асосий тақлифлар ўз ифодасини тоналлиги таъкидланди.

Фракция аъзолари томонидан кодекс лойиҳасини янада тақомиллаштириш юзасидан ҳам бир неча тақлифлар берилди.

Ййгилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кенг муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари ҳисоботни муҳокама қилиш жараёнида Омбудсманнинг мурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 814 та шикоят назорат тартибда кўриб чиқилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида 5 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган. Кўп қаватли уйлاردан 3 та хонадон ва яқна тартибдаги турар жой куриш учун 4 та ер участкаси ажратилган, 1 нафар фуқарони турар жой билан таъминлашда қўмаклашилган, 11 та оилага бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган, 2 та оилага фарзандга қараш бўйича нафақа тўлаш тайинланган, 108 нафар мурожаат этувчи фойдасиз умумий суммаси 152,7 миллион сўмлик алимент тўловлари ундирилган.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Сергели туманида мамлакатимиз солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда 500 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиди.

Ўзмага-юз мулоқот жараёнида Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Н.Турсунов, Сергели туман ҳокими Н.Хусанов, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Мирпўлатов келгуси ййлда солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгариш ҳамда янгиликлар хусусида иштирокчиларга батафсил тўшунтириш берди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига асосан, ходимлар сонидан қатъий назар, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори бўлган субъектлар умумбелгиланган солиқ тўловиға ўтади.

Бугун мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилигида янги тизим яратилди. Яъни, солиқ хизмати органлари текширувчи эмас, хизмат кўрсатишга ййналтирилган идорара айланмоқда, — деди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нормат Турсунов. — Жумладан, пойтахтимиз тадбиркорлари учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсидида барча туман давлат солиқ инспекцияларида “Маслаҳат хизматларини кўрсатиш” даражасига ташкил этилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан ййиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтказиш юзасидан пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилган тадбирларда 4 мингга яқин солиқ тўловчилар иштироки таъминланди. Ййлайимизи, бугунги семинарда ҳар бир иштирокчи

ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олади ҳамда барча муаммолар шу ёрда ҳал этилади.

Маълумотларга кўра, Сергели туманида амалдаги солиқ қонунчилиги асосида 108 та қўйилган қиймат солиғи тўловчилар мавжуд бўлиб, улар томонидан бюджетга 149,2 млрд. сўм тушум таъминланган. Жорий ййлиннинг 9 ойи якунлари бўйича туманда ййиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган 430 та ягона солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Семинарда солиқ тўловчилар солиқ соҳасига оид саволларга тезкор жавоб топиши учун “Telegram” ижтимоий тармоғида Сергели туман давлат солиқ инспекциясининг маълум қилинди.

Шунингдек, туман давлат солиқ инспекциясининг малакали ходимларидан иборат маслаҳат гуруҳи ташкил этилиб, жойларга чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, Сергели туманида рўйхатдан ўтган “Ariya teks” масъулиятли чекланган жамиятига ташриф буюриб, қорхона ҳисобчиси ва раҳбар иштирокида қўйилган қиймат солиғи тизимига ўтиш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Семинарда иштирокчиларга қўйилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби ақт этган видеоролик кўринишидаги 500 дан зиёд қўлланма ҳамда буклетлар тарқатилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

2019 ййлда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида дунё миқёсида манфаатлар кураш, рақобат тобора авж олиб, халқро вазиат кескинлашиб бораётган шароитда кейинги ййил учун амалий режалар тузиш баробарида, халқро майдондаги вазиатни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор ййналишларини гапириб ўтди. Бунда ижро этувчи ҳоқимиятини фаолияти устидан парламент назоратини янада тақомиллаштириш — хориждан инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион ривожланишининг муҳим шартларидан бири сифатида белгилаб берилди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЙЛИДА

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида тўб демократик ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу шароитда парламент томонидан ижро этувчи ҳоқимият фаолияти устидан назорат олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, иқтисодий соҳасидаги кенг қамровли ислохотларни амалга оширмай туриб, ишлаб чиқариш самардорлигини ривожлантиришда пировард юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришолмаймиз.

Парламентнинг ҳуқумат аъзолари фаолиятини назорат этиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш бўйича қўйилган вазибаларни, мамлакатимизга хорижий инвестициялар киритиш борасида қўлай инвестицион муҳитни яратишига, пировардида, вазибаларни парламент олдида масъулиятни оширишга эришимиз мумкин.

Хорижий мамлакатларда ижро ҳоқимияти фаолиятини парламент томонидан назорат қилиш бўйича тажриба Ўзбекистон Республикасида ҳоқимият бўлиниши ва ўзаро мувозанатланувчи тизимни амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга. Бунда парламентни ҳуқумат ёки вазири фаолияти бўйича назорат қилиш механизми турли мамлакатлар конституциялари турли тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Туркия Республикасининг 1982 ййлиги Конституцияси 98-моддасида Туркия Буюк Миллий Мажлиси назорат фаолиятини саволлар йўллаш, парламент сўрови, умумий муҳокамалар, парламент аъзосини ҳуқумат ёки унинг вақилига савол билан мурожаат қилиши ва парламент суриштируви орқали амалга оширади. Мазкур моддага кўра, парламент аъзоси ҳуқумат раҳбари ва вазириларга юборилган савол юзасидан ҳуқумат номидан расмий ёзма жавоб талаб этиш ҳуқуқиға эга. Туркия Конституциясининг 99-моддасида интерpellация сиёсий партия гуруҳи ёки камида ййирма депутат имзоси орқали амалга оширилиши белгилаб берилган. Шу модданинг 2-қисмига кўра, интерpellация ҳуқуматга ёзма тақдим этилгандан сўнг 10 кун мобайнида муҳокама қилиниб, кейин кун тартибига киритилади. Мазкур муҳокамада ҳар бир партиявий гуруҳдан биттадан депутат, ҳуқумат раҳбари ёки ҳуқумат номидан бир вазири сўз олиб жавоб беради. Агарда Туркия Буюк Миллий Мажлиси аъзоларининг мутлоқ кўпчилиги ҳуқумат раҳбари ёки вазириға ишончсизлик билдириши, ҳуқумат раҳбари ёки вазири истеъфоға чиқади.

Россия Федерацияси 1993 ййлиги Конституциясининг 114-моддасиға кўра Россия Федерацияси Ҳуқумати федерал бюджетни ишлаб чиқади ва уни Давлат Думаси (Парламент куйи палатаси)ға тақдим қилиб, федерал бюджетни бажарилиши юзасидан ҳисобот беради. Шу билан бирға, Рос-

сия Федерация парламенти юқори палатаси Федерация Кенгаши ва куйи палата Давлат Думаси Россия ҳуқуматиға ёзма ёки оғзаки мурожаатларини ўзларининг мажлисларида йўллаш ҳуқуқиға эга бўлиб, унга ҳуқумат жавоб беришга мажбур (“Давлат думасининг Россия Федерацияси Ҳуқуматиға нисбатан назорат вақолати тўғрисида”ги 2008 ййлиги Федерал Конституциявий қонун). Шунингдек, Давлат Думаси Регламентининг 41-моддасиға кўра, Давлат Думаси мажлисининг ҳар чоршанба кунини “Ҳуқумат соати” ўтказилиб, унда ҳуқумат аъзолари парламент аъзолари саволларига 5 дақиқа мобайнида уларнинг мазмуни юзасидан оғзаки жавоб беради.

Хорижий мамлакатлар амалиётида парламентнинг ҳуқумат фаолияти юзасидан назорат механизми, уларнинг Конституция ва қонунлар билан тартибга солинган бўлиб, ҳуқумат раҳбари ва вазирилари фаолиятида шахсий жавабгарлиги оширилишиға хизмат қилади.

Бинобарин, юртбошимиз парламентта қилган Мурожаатномада қонун чиқарувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини янада қучайтириш зарурлиги тўғрисидаги сўзлари ижро ҳоқимиятининг янада самарали фаолият олиб боришиға ёрдам беради. Бунда парламент томонидан нафақат, Вазирилар Маҳкамаси ёки Бош вазири, балки вазирилари фаолиятида парламент назорат механизмининг ҳаётға таътиб этиш юзасидан тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади.

Демак, бўлажақ вазири парламент олдида соҳани инвестициявий ва ижтимоий ривожланиш йўллариини ўз дастури орқали ҳимоя қилиши, инвестиция муҳитини шакллантириш орқали иқтисодий либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятиға аралашувини чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар тақлиф қилиш, хорижий инвестицияларни рағбатлантирувчи мақбул инвестицион сиёсат юритиш ва қўлай инвестицион муҳит яратиш чоралари юзасидан ўз фикрларини билдириши керак. Шу боисдан ҳам нафақат ички, балки хорижий инвестициялар ҳақини кўпайтириш ва улاردан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш йўналишларида илмий-амалий тақлифларни парламент аъзоларига баён этиб, лавозимға муносиб эканлигини исботлаши керак.

Д.КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси докторанти, юридик фанлари номзодини

Миробод тумани ҳоқимининг ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН 2019 ЙЙЛГА ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ СОНINI БЕЛГИЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аҳборотномаси 1998 й., 5-б-сон, 97-модда) 17-моддасига, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аҳборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда) 25-моддасига, Ўзбекистон Республикаси “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аҳборотномаси”, 2008 й., 4-сон, 190-модда) 8-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ҳоқиманд катламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тебибий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 2016 йил 22 февралдаги ПҚ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 6-сон, 73-модда) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилги фаолиятини тақозо этиши тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазаға муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирға қўйиш тартибининг янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низомға (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларини тўплами, 2017 йил, 0393-сон,) мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Белгилашни керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва улараға қийналаётган талабаларни аниқлаш бўйича махсус комиссия таркиби 1-иловаға мувофиқ, 2019 ййлда мазкур тоифадаги шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдори белгиланган қорхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловаға мувофиқ тасдиқланди.
- “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазаға муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини, ходимлар умумий сонининг (44048) 9,87 фоизини ташкил этадиган миқдорида, 4348 та, шу жумладан: ногиронлар учун 3,17 фоиз (1400 та) туманда ногиронлар учун иш ўринларига ахтёвх 186 та бўлганлиги сабабли, қолган иш ўринлари битирувчилар учун ўтказилсин); умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларини тамомланган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун 3,3 фоиз (1456 та); ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0,93 фоиз (411 та); пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1,02 фоиз (453 та); сафарбарлик қақирғи заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кулари сафаридадан мудардлати ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 1,05 фоиз (464 та); жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тебибий тўғрисида мажбурилов чоралари қўйилишидан озод қилинган шахслар учун 0,24 фоиз (107 та); ижтимоий муҳофазаға муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,16 фоиз (74 та) миқдоридан иш ўринлари заҳираси белгилансин;
- Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёриларига ва ҳодим ўз меҳнат мажбуриятларини тўқисиз бақариши тизимининг таъминлигини меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қийиндағиларға мувофиқ бўлиши керак;

- 4 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бақарилишини бирға қўйиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан ҳадвалиға эга бўлган иш ўринлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасаларини тамомланган кейин касбини эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун — уларнинг касбий тайёргарлиғиға мувофиқ бўлган иш ўринлари; сафарбарлик қақирғи заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кулари сафаридадан мудардлати ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг профессионал тайёргарлиғиға мос бўлган иш ўринлари; ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ҳодимға уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятиға тўғри келмайдиган белгиланган зиддиклар ҳисобға олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўқисиз бақариш имконини берадиган иш ўринлари;

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлиғиға мос бўлган ёки махсус малакаи талаб этмайдиган иш ўринлари; жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тебибий тўғрисида мажбурилов чоралари қўйилинган шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлиғини ҳисобға олган ҳолда ёки махсус малакаи талаб этмайдиган иш ўринлари;

- одам савдоси қурбонлари учун — уларнинг касбий тайёргарлиғини ҳисобға олган ҳолда ёки махсус малакаи талаб этмайдиган иш ўринлари;
- Иш ўринлари билан ишга жойлаштириш қарорлар ва лавозимлар: муқимдислаш, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тебибий, ходим, иш қургувчи, ўқувчи, тарозибон, электр ва автоаравча ҳайдовчиси, ташувчи, фарош, ўтёқар, обдонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭХМ оператори, юқчи, ишчи, боғбон, қоровул.

- Тумандаги мавжуд қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазаға муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирға қўйиш тартибининг янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низомға мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловағида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

Ййил бошлангандан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун заҳирға қийналаётган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (ййирма беш) фоиз миқдоридан иш ўринлари заҳирға қийналуши ва тайёрлиғини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда ййил бошлангунға қадар туман Бандликға кўмаклашиш марказини бақардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирға қийиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календар ййлиннинг биринчи чорағи мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Бандликға кўмаклашиш марказини биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай бақардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-қунигаға туман Бандликға кўмаклашиш марказиға “Ижтимоий муҳофазаға муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирға қийиш тартибининг янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги Низомға мувофиқ тақдим этиш; тақшлот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиғи тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиғи, тенг даражада заҳирға қийналаётган иш ўринларининг белгиланган сонини ҳисобға ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда таёри эмаслиғи туман Бандликға кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳоқимининг қарори бақарилиши сифатида қаралиши лозимлиғи тақдим этилсин.

6. Туман (шаҳар) Бандликға кўмаклашиш марказининг ййиланмаси бўйича ушбу шахслар ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган тоифаға тегишли бўлган заҳирға қийналаётган иш ўрини ишга жойлаштириш тақшлот томонидан рад этилиши ташкилот менабадор шахсларининг қонун ҳужжатларида белгиланган жаобгарлиғиға олиб келди.
7. Миробод тумани аҳоли бандлиғиға кўмаклашиш маркази (Ч.Азимов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бақариш юзасидан қатъий назорат уринатсин.

8. Миробод туман ҳоқимининг 2017 йил 27 октябрдаги “Миробод туманида ижтимоий муҳофазаға муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 ййил учун банд қилиб қийиш тўғрисида”ги 827-сонли қарори 2018 ййил 31 декабрдан ўз кучини ййқотган деб ҳисоблансин.
9. Ушбу қарор расман эълон қилингандан 3 ой ўтган кунға кирди.
10. Мазкур қарор “Тошкент оқшом” ва “Вечерний Тақшент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobot.toshkent.uz веб-сайтиға жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг бақарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари А.Салайдиннов зиммасиға юклансин.

Миробод тумани ҳоқими

